

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги**  
**бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли**  
**индикаторларнинг ижроси бўйича 2024 йил 1 июль ҳолати бўйича**  
**ҳисоботга тушунтириш хати**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2023 йилдаги ПҚ-422-сон Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Қарорида бюджетдан ажратилган маблағларнинг самарали сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш тўғрисида вазирликнинг 19.01.2024 йилдаги 20-сон буйруғи қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2023 йилдаги ПҚ-422-сон қарори 7-илоvasи 2-банди билан тасдиқланган **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024-2026- йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари тасдиқланган. 2024 йил учун вазирликга 6 та** Ривожлантириш дастурлари ва **31 та** мақсадли индикаторларининг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланган. Жорий йил 1-ярим йиллигида **26 та** мақсадли индикаторларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши назарда тутилган, **5 та** индикаторларнинг прогoз кўрсаткичлари ижроси жорий йилнинг кейинги чоракларида бажарилиши белгиланган.

**2024 йил учун аниқланган режавий кўрсаткичида 6 триллион 130 миллиард 300,0 млн. сўм маблағ ажратилиши белгиланган.**

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва унинг тасарруфидаги муассасалар жорий харажатлари учун 2024 йил учун 4 триллион 517 миллиард 200,0 млн. сўм сўм маблағ ажратилган.**

***Бажарилиши***

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва унинг тасарруфидаги муассасалар учун УзАСБО дастури орқали таҳлил қилинганда амалга оширилган жами харажатлар миқдори 2024 йил 1-ярим йиллигида республика бюджетидан 2 триллион 237 миллиард 300,0 млн. сўмни ташкил этган.**

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги учун 2024 йилга **Стратегик мақсад** сифатида: Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжаларидан келиб чиққан ҳолда, фан, ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш белгиланган.

**1.1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий харажатлари бўйича эришиладиган натижалар 2024 йил учун аниқланган режавий кўрсаткичида 4 триллион 517 миллиард 200,0 млн. сўм сўм маблағ ажратилган.**

2024 йил 1-июль ҳолатига УзАСБО дастури орқали таҳлил қилинганда амалга оширилган жами жорий харажатлар миқдори **1 триллион 772 миллиард 200 млн. сўмни** ташкил этган.

### ***Яқуний натижа кўрсаткичи***

Олий таълим билан қамраб олиш даражаси (жами битирувчилар сонига нисбатан) 2024 йилда **43 фоиз** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2024/2025 ўқув йилида таълим муассасаларига қабул квоталари Давлат қабул комиссияси томонидан жорий йил июль ойида тасдиқланади ва қабул жараёнлари август ойида амалга оширилиши сабабли, ушбу кўрсаткич ижроси 2024 йил учун ривожлантириш дастурлари ва ундаги мақсадли индикаторларни 9 ойлик ижроси натижалари таҳлили тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

2024/2025 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар мактабларига қабул қилиш улуши 2024 йилда **17 фоиз** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Касб-ҳунар мактабларига қабул жараёнлари август ойида амалга оширилиши сабабли, ушбу кўрсаткич ижроси 2024 йил учун ривожлантириш дастурлари ва ундаги мақсадли индикаторларни 9 ойлик ижросини натижалари таҳлили тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

Тадқиқотчиларнинг умумий сонидан 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улуши 2024 йил учун **50 фоиз** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2024 йил 1-ярим йиллигида тадқиқотчиларнинг умумий сонидан 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улуши **48,0 фоизни** ташкил этади.

Илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион (spin-off) корхоналар сони 2024 йил учун **22 та** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2024 йил 1-ярим йиллигида илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган **21 та** янги инновацион (spin-off) корхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

Соҳага оид **7 та** давлат хизматлари сонини электрон кўринишга ўтказиш режалаштирилган.

### ***Бажарилиши***

Соҳага оид давлат хизматлари электрон кўринишга ўтказиш, жорий йил 1-ярим йилликда режалаштирилмаган.

2024/2025 ўқув йилида бакалавариат бўйича Олий таълимга кириши белгиланган ўқувчиларни сони **207415 нафар** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Олий таълим муассасаларига қабул жараёнлари август ойида амалга

дастурлари ва ундаги мақсадли индикаторларни 9 ойлик ижросини натижалари таҳлили тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

2024/2025 ўқув йилида касб-ҳунар мактабларига кирган ўқувчилар сони **112989,8 нафар** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Касб-ҳунар мактабларига қабул жараёнлари август ойида амалга оширилиши сабабли, ушбу кўрсаткич ижроси 2024 йил учун ривожлантириш дастурлари ва ундаги мақсадли индикаторларни 9 ойлик ижросини натижалари таҳлили тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

Хорижда малака оширган ва стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар сони 2024 йилда режавий кўрсаткичи **4000 нафар** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2024 йилнинг 1-ярим йиллигида хорижда малака оширган ёки стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар сони **2323 нафарни** ташкил этган ва режа 58,1 фоизга бажарилган.

Стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ҳамда мақсадли докторантура квоталари сони 2024 йил учун **5200 та** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ўқитиш бўйича ажратилган қабул квоталари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновациялар кенгашининг 2023 йил 11 августдаги 21-сон баёнига мувофиқ Инновацион ривожланиш агентлигининг 2023 йил 28 августдаги 161-сон буйруғи билан илмий ташкилот ва таълим муассасалар кесимида аккредитациядан ўтган ихтисосликлар бўйича тасдиқланган. Бунда 2024 йилга ажратилган квоталар жами **5200** тани ташкил этди ва режа ижроси таъминланди.

2024 йил учун илмий тадқиқотчилар сони **15650 нафар** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2024 йил 1-ярим йиллигида илмий тадқиқотчилар сони режа асосида **21494** нафарни ташкил этган ва режа ижроси 137,3 фоизга таъминланган.

2024 йилда илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони **14000 нафар** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони 2024 йил 1-июль ҳолатига **17389 нафарни** ташкил этади ва ижроси 124,2 фоиз бажарилган.

**1.2.** Олий таълим муассасасида магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш харажатлари дастурига асосан 2024 йилда **200,0 млрд сўм** ажратиш белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2023/2024 ўқув йилида олий таълим муассасаларига магистратура

қайтариш шартсиз қоплаш харажатлари дастури асосида 2024 йил 1-июль ҳолатига **22,8 млрд сўм** тўлаб берилган.

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг улуши (жами магистрлар сонига нисбатан) **26,4 фоиз** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2024 йил 1-июль ҳолатига давлат олий таълим муассасалари магистратурасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг улуши жами магистрлар сонига нисбатан **32,8 фоизни** ташкил этади ва ижроси 124,2 фоизга таъминланган.

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига талабаликка қабул қилиниб, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган хотин-қизлар сони **5991 нафар** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига талабаликка қабул қилиниб, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган хотин-қизлар сони 2024 йил 1-июль ҳолатига **5991 нафарни** ташкил этган ва ижроси 100,0 фоиз бажарилган.

Давлат олий таълим муассасалари магистрлар сони 2024 йил учун **22662 нафар** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Давлат олий таълим муассасалари магистрлар сони 2024 йил 1-июль ҳолатига **18239 нафарни** ташкил этади ва йиллик режа 80,5 фоизга бажарилган.

**1.3** Давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар дастурида 2024 йил учун **250,0 млрд. сўм** ажратилиши белгиланган.

### ***Бажарилиши***

2024 йил учун Давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун жами ажратилган 250,0 млрд. сўм субсидия маблағларидан 1-ярим йилликда 96,7 млрд сўм сарфланган ва ижроси 38,7 фоизга таъминланган. Вазирликнинг 2024-йил 19-июндаги 03/43-19/06-сон ҳамда 27-июндаги 03/43-27/06-сонли хатлари орқали давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойини барпо этиш учун **72,3 млрд сўм** субсидия маблағларини ажратиш бўйича июнь ойида мурожаат юборилган бўлсада, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг июль ойида молиялаштириб берилган. Шундан келиб чиқиб, 2024-йил 1-ярим йилликда Давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойини барпо этиш лойиҳалари учун **166,5 млрд сўм** ҳамда Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойида яшаган талабалар учун **8,5 млрд сўм** субсидия маблағлари молиялаштириб берилган.

Талабаларни турар жойи билан қамраб олиш даражаси 2024 йилда (эҳтиёжга нисбатан) **47,3 фоиз** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Талабаларни турар жойи билан қамраб олиш даражаси 2024 йил 1-ярим йилликда эҳтиёжга нисбатан 50,5 фоизга бажарилган.

Талабалар турар жойи сифими 2024 йилда **127241 ўрин** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Талабалар турар жойи сифими 2024 йил 1-июль ҳолатига 116515 ўрин ташкил этади ва йиллик режа 91,6 фоизга бажарилган.

Талабалар турар жойига эҳтиёж 2024 йилнинг режавий кўрсаткичида **269200 ўрин** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Талабалар турар жойига эҳтиёж 2024 йилнинг 1-ярим йиллигида амалга оширилган ҳисоб-китоблардан сўнгра 230293 ўринни ташкил этган ва йиллик режа 85,5 фоизга бажарилган.

1.4. Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойида яшаган талабалар учун давлат шеригига ажратиладиган субсидиялар дастури бўйича 2024 йил учун **100,0 млрд. сўм** ажратилган.

### ***Бажарилиши***

Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойларини сақлаш харажатлари учун 2024 йил учун 100,0 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган ва касса харажати 7,8 млрд. сўмни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчисининг 13.06.2024 йилдаги 03-РА 2-5258/3 (XDFU) топшириғи ва Бош вазирининг 14.06.2024 йилдаги 03/1-2001-сон топшириғига мувофиқ ушбу лойиҳалар учун ажратилган маблағлардан 50,0 млрд сўм мақбуллаштирилган.

Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган, ишга туширилган ва субсидия ажратилаётган талабалар турар жойлари режа бўйича **9770 ўрин** белгиланган.

### ***Бажарилиши***

Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган, ишга туширилган ва субсидия ажратилаётган талабалар турар жойлари 2024 йил 1-ярим йиллигида **3000 ўрин** фойдаланишга топширилди.

1.5. : "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар ажратиш дастури асосида 2024 йилда **5,0 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилган.

2024 йилнинг 1-ярим йиллигида 2024 йил учун "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар учун 5,0 млрд. сўм ажратиш режалаштирилган, профессионал таълим муассасалари томонидан 245,5 млн сўм миқдорида субсидия ажратиш юзасидан 361 нафар ўқувчи ёшларнинг ҳужжатлари туман, шаҳар молия органларига киритилган. Шулардан 1-ярим йилликда 12 нафарига 8,1 млн сўм субсидия тўланган.

"Ёшлар дафтари"га киритилган субсидия ажратиладиган ўқувчилар улуши (жами ўқувчилар сонига нисбатан) 0,3 фоиз миқдорида белгиланган.

#### ***Бажарилиши***

2024 йил 1-чорагида "Ёшлар дафтари"га киритилган субсидия ажратиладиган ўқувчилар улуши (жами ўқувчилар сонига нисбатан) 0,3 фоиз миқдорида сақлаб қолинган.

"Ёшлар дафтари"га киритилган субсидия ажратиладиган ўқувчилар сони 2024 йилда 1000 нафар белгиланган.

#### ***Бажарилиши***

"Ёшлар дафтари"га киритилган субсидия ажратиладиган ўқувчилар сони 2024 йил 1-ярим йиллигида 930 нафари ташкил этади.

Профессional таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 2024 йилда 410392 нафар белгиланган.

#### ***Бажарилиши***

Профессional таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 1-июль ҳолатига **367293 нафар** бўлиб, йиллик режага нисбатан 89,4 фоизни ташкил этади

1.6. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича 2024 йилга 800,0 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

#### ***Бажарилиши***

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш дастури учун 2024 йил 1-ярим йиллигида касса харажатлари **222,0 млрд сўмни** ташкил этган.

Хорижий илмий ташкилот ва университетларга илмий стажировкага юборилган тадқиқотчиларнинг умумий сонига 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улуши 2024 йил учун 77,0 фоиз миқдорида белгиланган.

#### ***Бажарилиши***

Хорижий илмий ташкилот ва университетларга 2024 йил 1-ярим йиллигида илмий стажировкага юборилган тадқиқотчиларнинг умумий

сонда 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улуши **94,6 фоиз** этиб бажарилган.

Ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли университет ва илмий марказлари билан ҳамкорликда халқаро қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун 2024 йилда **145,0 дона** халқаро қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

### ***Бажарилиши***

Ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли университет ва илмий марказлари билан ҳамкорликда 2024 йил 1-ярим йиллигида **97 та** халқаро қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган ва ушбу кўрсаткич ижроси 66,8 фоизга таъминланган.

Давлат илмий дастурлари доирасида иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларига мувофиқ 2024 йилда **165 дона** ишланмалар ва технологияларни яратиш режалаштирилган.

2024 йил 1-ярим йиллигида давлат илмий дастурлари доирасида иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларига мувофиқ **93 та** янги ишланмалар ва технологияларни яратилган бўлиб, ижроси 66,8 фоизга таъминланган.

Етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юборилган ёш олимлар сони 2024 йил учун **240 нафар**, белгиланган.

2024 йил 1-ярим йиллигида етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юборилган ёш олимлар сони **149 нафарни** ташкил этган ва ижроси 92,0 фоизга бажарилган.

### **2024 йилнинг 1-ярим йиллигида мақсадли индикаторларни бажарилиши бўйича ҳисоботлар таҳлили бўйича хулоса**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2023 йилдаги ПҚ-422-сон Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Қарорида бюджетдан ажратилган маблағларнинг самарали сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича вазирликнинг 19.01.2024 йилдаги 20-сон буйруғи қабул қилинган, ушбу буйруқ ижросини тизим ташкилотларида таъминлаш мақсадида ижро тизими орқали ташкилот ва муассасаларга етказилган.

Мақсадли индикаторларнинг ижросини баҳолаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида вазирликнинг 2024 йил 2-февралдаги 28-сонли буйруғи қабул қилинган ҳамда ижросини таъминлаш учун масъул бўлинмаларга ва тизим ташкилотларига етказилган.

Вазирликнинг 2024 йил 1-ярим йиллик учун режалаштирилган бюджет

юзасидан масъул бўлинмалар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар Вазирликнинг тегишли буйруқлари билан белгиланган тартиб асосида тайёрланганлиги ҳамда тасдиқланган режавий кўрсаткичлар билан таққосланган ҳолда таҳлил қилинди ва қуйидаги тартибда баҳоланди:

Мақсадли индикаторлар ижроси юзасидан топширилган ҳисоботлар тасдиқланган кўрсаткичлар асосида тайёрланганлиги ҳамда уларнинг ижросида, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид ҳолатлар аниқланмади.

Масъул бўлинмалар томонидан мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича тақдим этилган ҳисоботлар, тизимдаги муассасалардан олинган бирламчи маълумотлар асосида шакллантирилган.

Мақсадли индикаторларнинг ижроси бўйича ҳисоботларни қуйи пағонадан юқори пағонагача тўғри шакллантириш тартибига амал қилинганлиги ўрганилди.

Мақсадли индикаторларга эришиш учун 2024 йил 1-ярим йиллигида ажратилган маблағларни бошқа мақсадларга йўналтириш ҳолатлари аниқланмади.

Мақсадли индикаторларнинг 2024 йил 1-ярим йиллигида бажарилиши юзасидан масъул бўлинмалар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар таҳлил қилинганда *2024 йил учун "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар учун ажратилган 5,0 млрд. сўм субсидиялар тўловида муаммо мавжудлиги аниқланди.*

Профессional таълимни ривожлантириш департаменти томонидан тақдим этилган ҳисоботга кўра 2024 йил 1-июль ҳолатига *"Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар учун 361 нафар ўқувчи ёшларга 245,5 млн сўм миқдорида субсидия ажратиш юзасидан ҳужжатлар туман, шаҳар молия органларига киритилган. Шулардан 1-ярим йилликда 12 нафарига 8,1 млн сўм субсидия тўланган ҳалос.*

*"Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар ажратиш дастурини бажарилмаслик хавфи мавжудлиги аниқланди ва бу ҳақида Профессional таълимни ривожлантириш департаменти масъулларига маълум қилинди.*

Ички аудит бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари



А.Мисиров